Юкори даромадли лойихларга химояланган инвестициялар

КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$16 520

ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$18 768

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ:
80%

МУАЛЛИФ САРМОЯСИ:
$12 000

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 1952
ХОСТЕЛ ИЖАРАСИ

Лойиханинг махсади: Муаллиф 10 та ётоқхонадан кам бўлмаган фаолият кўрсатаётган хостелни ижарага олиш лойиҳасини тақдим этади. Хостеллар бозорида паст ва ўрта нарх тоифалари сегментларига оид батафсил тадқиқот ўтказилган, тўловқобилият таҳлили амалга оширилган, шунингдек **CAPEX ва OPEX** кўрсаткичлари ҳисоб-китоб қилинган.

Ҳар бир хона учун юқори даражадаги хизмат кўрсатиш режалаштирилган, бу транспорт хизматларини, меҳмонларни аэропортдан меҳмонхонага ва орқага ташишни (хорижлик меҳмонларга йўналтирилган) ҳамда махфийлик кафолатини ўз ичига олади. Қўшимча равишда, меҳмонлар шахсий ҳайдовчи хизматидан фойдаланиш имконига эга бўладилар.

Режа доирасида Telegram-каналлар, Instagram ва Facebook каби оммабоп платформалардан фойдаланган ҳолда фаол реклама кампанияси ўтказилиши режалаштирилган. Таргетли реклама йўлга қўйилиб, уни ажратилган маблағ эвазига лойиҳани курат қиладиган тажрибали маркетолог қўллаб-қувватлайди.

Мижозларни жалб қилиш учун маҳаллий таксистлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади, улар ўз йўловчиларига меҳмонхона мажмуасини тавсия қилишлари мумкин. Бундай ёндашув меҳмонларнинг қўшимча оқимини таъминлайди ва хизматнинг танилишини оширади.

Муаллифда ўзининг маркетинг бўйича мутахассислар жамоаси ва шахсий автомобили мавжуд бўлиб, бу лойиҳада йилига $12 000 миқдорида харажатларни тежаш имконини беради.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $16 520, шундан:

Номланиши	Сумма, $
Хостел ижараси (2 ой)	6 000
Таъмирлаш ишлари	5 000
Сарф материаллари	2 000
Иш хаки (2 ой)	2 520
Бошка харажатлар	1 000
Жами	**16 520**

Йиллик даромадлар хакида маълумот:

Хисоб-китобларда хостелнинг ўртача тўлиши 70% даражасида қабул қилинган, мавсумийлик ва талаб динамикаси инобатга олинган ҳолда. Барча кўрсаткичлар тўлиқ йил давомидаги маълумотларга асосланган ҳолда ҳисобланган, тўлиш даражаси ҳар ойдаги банд бўлган кунлар сони бўйича кўриб чиқилган.

Номланиши	Микдори	Нархи, $	Кунлар микдори	Сумма, $
Номерларни топшириш	10	30	256	76 800
Жами				**76 800**

Йиллик харажатлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Иш хаки	14 760
Хостел ижараси	36 000
Соликлар	3 072
Бошка харажатлар	4 200
Жами	**58 032**

- Йиллик даромад: $76 800
- Йиллик харажатлар: $58 032
- **Йиллик соф фойда**: $76 800 – $58 032 = **$18 768**

$$\textbf{ROI} = \frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}} \text{ x Инвестор улуши x } 100\% = \textbf{80\%}$$

Фойданинг тақсимланиши

Киритган сармояси тўлиқ қоплангунига қадар:

Инвестор – **70%** ва лойиҳа Муаллифи – **30%**

Инвесторнинг киритган сармояси тўлиқ қоплангач:

Инвестор – **50%** ва лойиҳа Муаллифи – **50%**